



4.4. "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган графикга асосан махсулотларни сабабсиз етказиб бера олмаса хар бир кун учун етказиб бера олмаган суммадан 0,4% миқдорида пеня тўлайди.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. "Бажарувчи" белгиланган муддатда махсулотларни тайерлаб қўйганда, "Буюртмачи" махсулотларни асоссиз равишда рад этганлиги учун олинмаган махсулотларнинг таннарх харажатларини 100% миқдорида тўлайди ва олинмаган махсулот қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. "Буюртмачи" тайер бўлган буюртма махсулот учун тўловни 100% бажармай кечиктирса, ўтказиб юборилган хар бир кун учун "Бажарувчи"га кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди.

#### 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган холда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.

6.2. Хукуматнинг ваколатли органлари ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувоҳномаси ана шундай форс-мажор ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

6.3. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида иккинчи тарафни огохлантиради.

#### 7. ЭЪТИРОЗЛАР.

7.1. "Буюртмачи" томон "Бажарувчи"нинг юк омборидан махсулотларни сифати ва саноғи бўйича юклар олгандан кейин эътирозлар қабул қилинмайди.

#### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

8.1. Ушбу шартномадан келиб чиққан масалалар бўйича барча низолар аввало томонларнинг келишу билан хал этилади.

8.2. Томонларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки иқтисодий суди орқали хал қилинади.

#### 9. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.


9.1. Ушбу шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар икки томон имзолагач ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки амалдаги қонунларда назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилади.

#### 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр ача амал қилади.

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

"БАЖАРУВЧИ"	
"QMIСHK" MЧЖ	
Манзил	Андижон ш. Бобур шохкуча 3-уй.
Х/р	20 20 8000 7003 3824 0001
Банк	АТБ Хамкорбанк Нодирабегим фил
СТИР	200 240 772
МФО	000 79
ОКЭД	23 310
Телеф.	71 227-83-89
Борқасув райси	 М.Садиков

"БУЮРТМАЧИ"	
Ободон лашетиршил Бомисор	
Манзил	Авж сар ўзеи кўча-212
Х/р	10022286003407401150310002
Банк	Ушб сар молия Вазир
СТИР	205 990 762
МФО	00014
ОКЭД	90290
Телеф.	
Рахбар	 F. Шокиров

